

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек тилшунослиги кафедраси

Исоқова Бибимашрабнинг
522100-Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

**“Нутқ жараёнида паралингвистик воситалардан
фойдаланиши” мавзuidaги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. И. Пардаева

Гулистон - 2011

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-5
Адабиётлар таҳлили	6-16
Биринчи боб. Паралингвистик белгиларнинг тил стуруктурасига муносабати.....	17-19
Паралингвистик воситалар ва уларнинг турлари.....	19-22
Паралингвистик воситаларнинг пайдо бўлиш тарихи.....	22-27
Ўзбек тилида Паралингвистик воситалар ва уларнинг турлари.....	27-
Иккинчи боб. Нутқий вазият ва паралингвистик воситаларнинг ишлатилиши.....	
Сирдарё вилояти ахлоқшунослик терминларининг луғавий ва грамматик хусусиятлари.	
1). Ахлоқшунослик терминларининг ясалиши.	
а). Морфологик усул.	
б). Синтактик усул.....	30-35
2). Ахлоқшунослик терминларининг луғавий хусусиятлари...	35-49
Умумий хулосалар.....	50-52
Адабиётлар.....	52-56

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида паралингвистика имо-ишора, мимика ва овознинг сифати билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Бу соҳа ҳозирги кун тилшунослигининг долзарб бўлган соҳалардан биридир. Паралингвистика соҳаси ҳозиргача тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбек тилида паралингвистик воситаларнинг ўрганилишини тадқиқот объектими қилиб олдик.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларни, бой маънавий бойликларни ўрганишга кенг йўл очилди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ўзининг барча чиқишларида ҳам тарихий ва маънавий соҳаларга катта эътибор қаратмоқда: «Хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яккаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кўйда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом - ота-боболаримизнинг дини-мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир...». [1] Шунга кўра ҳам биз танлаган мавзунинг долзарблиги ўз-ўзидан англашилади. Умуман олганда, Ўзбек тилида паралингвистик воситаларнинг қўлланилишини ўрганиб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуларидандир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Имо –ишоралар ва бошқа паралингвистик ҳодисалар доимо нутқ билан бирга қўлланиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг маълум моддий асос нутқ ҳисобланади. Нутқ фақат фикр ифодаловчи

восита эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўйдик:

-Паралингвистик белгиларнинг тил стуркутурасига муносабатини ўрганиш;

- Ўзбек тилида паралингвистик воситалар ва уларнинг турларини таҳлил қилиш;

- Нутқий вазиятда паралингвистик воситаларнинг ишлатилишини таҳлил қилиш ва изоҳлаш;

-Фикр ифодалашда паралингвистик воситаларнинг чегарасини очиб бериш;

Тадқиқот методи. Масалани ўрганишда ўзбек тилшунослиги анъналарига риоя қилинди. Паралингвистик воситалар синхрон усулларда таҳлил қилинди.

Тадқиқот материали. Тадқиқот матириали бадий асарлар, шунингдек Сирдарё вилояти аҳолиси билан бўлган суҳбатлардан фойдаландик.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ва назарий-амалий аҳамияти. Ўзбек тилшунослигида Паралингвистик воситалар кам ўрганилганлиги билан ажралиб туради. Бу тадқиқотимиз лексикология, нутқ маданияти, грамматиканинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада тўлдириши, шу соҳада яратилажак монографик ишларни такомиллаштиришга ўз хиссасини қўшиши мумкин. Шунингдек, иш кўрсатилган соҳалар бўйича махсус курслар, ўқув қўлланмалари ва услубий тавсиялар яратишда ҳам фойда келтира олади.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқот рус, туркий ҳамда ўзбек тилшунослигининг лексикология, стилистика, нутқ маданияти каби соҳалари бўйича эришилган ютуқлар асосида юзага келди. Ишнинг асосий методологик асоси луғавий-маъновий ҳамда

грамматик нуқтаи назардан тавсифлаш, қиёслаш каби методлардан ташкил топган бўлиб, тадқиқот синхроник режада амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги жиҳатларда ўз аксини топган:

- Ўзбек тилида паралингвистик воситалар ва уларнинг турларини таҳлил қилиш;

- Нутқий вазиятда паралингвистик воситаларнинг ишлатилишини таҳлил қилиш ва изоҳлаш;

-Фикр ифодалашда паралингвистик воситаларнинг чегарасини очиб бериш;

Тадқиқотнинг тузилиши. Ишнинг умумий тавсифи, кириш, икки асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги давр тилшунослигида паралингвистика соҳаси имо-ишора, мимика ва овознинг сифати билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Турли тиллардаги паралингвистик воситаларни ўрганишга доир айрим тадқиқотлар мавжуд. Паралингвистик воситалар турли тилларда кўпгина фарқланиш ва ўхшашликларга эгадир. Шу сабабли паралингвистик воситаларни ифодаловчи сўз ва иборалар, сўз бирикмаларининг таржимаси, айниқса, ғарб тилларидан ўзбек тилига ва аксинча берилиши кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқаради. Паралингвистиканинг маданият, этнография, этика, антропология, дин урф-одат ва бошқа соҳалар билан узвий боғлиқлиги ҳар бир тилда ўзига хос ифодасини топади. Масалан, тасдиқ ва инкорни билдирувчи имо-ишора ва мимиканинг рамзий белгилари Европа ва шарқ тилларида мос келмайди. Ҳатто славян халқлари ичида ҳам рус ва болғарлар буни турлича кўрсатадилар.

Овознинг сифати билан боғлиқ парафонетик воситалар ҳам ғарб ва шарқ тилларида жуда катта фарқ қиладилар. Бу фарқни рус, япон ва бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин. Паралингвистик воситаларнинг турли нутқ услубларида қўлланилиши ҳам турличадир. Улар бадиий адабиётда кўп учрайди ва бу таржимасондан катта маҳорат талаб қилади. Чунки паралингвистик воситалар аввало миллий руҳ ва урф-одатлар билан боғланади ва унда нутқ одоби ва маданият белгилари ҳам ўз ифодасини топади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида паралингвистик воситаларни қиёслаш натижасида уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш доим ҳам мумкин эмаслиги аниқланган. Бу масала чуқур илмий тадқиқотларни талаб қилади. Инглиз тиладан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган асарлар жуда кам. Бироқ бу асарлардаги турли имо-ишора, мимика ва парафонетик воситалар қандай берилгани, уларнинг

таржимаси алоҳида тадқиқ этилиши зарур. Айниқса, драматургияда, инсоннинг ҳатти-ҳаракати, имо-ишораси, мимикаси ва овознинг турли ўзгаришлари катта аҳамиятга эгадир. Таржимада уларни тўғри бера олиш учун ҳар икки халқнинг тили, миллий одатлари ва маданиятини чуқур ўрганиш зарур.

Илм эгаллаш игна билан қудуқ қазиб билан баробардир. Бу пур ҳикматли фикр ҳанузгача ўз маъносини йўқотгани йўқ. Инсон қанчалик ўрганмасин илм чегарасига ета олмайди. Илм чексиздир. Шундай экан, илм уммонининг бир томчиси бўлган паралингвистик воситаларни ўрганиш, уларнинг тилшуносликда ва адабиётшунсликда муҳимлигини аниқлаб бериш лозимдир. Тилга ёндош бўлган бу воситалар сўзловчининг нутқини тингловчига тўла, таъсирли ва маънодор қилиб етказишга ёрдам беради. Масалан: “ – Шошманг, шошманг, - деди шеригининг энгидан тортиб – бу гўзал иморатларни ким қурган?” гапидаги “энгини тортиб” воситаси гапнинг аниқроқ ва таъсирлироқ чиқиши учун имкон яратаяпти. Ёки яна бир мисол: “ Бўлмайди, - деди бошини чайқаб – она ит овозидаги майинликни бераолмаяпсиз” гапида ҳам “бошини чайқаш” воситаси кескин рад этиш маъносини берапти. Гапда маъно янада кучаймоқда.

Демак, гарчи паралингвистик воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тилшуносликда (асосан, рус тилшунослигида) ўрганилган бўлсада, бироқ унинг мунозарали бўлган бир қанча масалалари борки, уларда айнан тилга ёндош бўлган воситалар, уларнинг қўлланилиши аҳамияти каби масалалар очик қолган. Шунинг назарда тутиб, биз ҳам қуйидаги белгиланган мавзу ва режа асосида ўз фикримиз билан ўртоқлашишни маъқул топдик.

Кишилар ўзаро алоқада, фикр алмашишда, ўз ҳис – туйғуларини билдиришда, сездиришда, маълум қилишда тил воситаларидан фойдаланиб қолмай, ёрдамчи восита сифатида бошқа нарса ва ҳодисалардан ҳам

фойдаланадилар. Ёрдамчи воситалар жуда хилма – хилдир. Шартлиликка асосланган бундай ёрдамчи воситалардан энг муҳимлари нутқ жараёнида киши аъзоларининг ўз фикр ва тушунчасига мос равишдаги шарти, ҳаракатларидир. Бу ҳаракатлар фикр ифодалаш жараёни, вазият билан боғланган бўлади. Шунинг учун фикр ифодалашнинг ёрдамчи воситалари ҳисобланади. Бундай ёрдамчи воситаларга лингвистик бўлмаган экстралингвистик ёки паралингвистик ҳодисаларга имо-ишоралар, бўлақларга бўлинмайдиган товушлар системаси ҳам киради (шунингдек, информация берувчи сигнал, званок, турли рамзий белгилар, алоқада қўлланиладиган техник воситалар ва бошқалар). Бу каби воситалар информация беришда иштирок этиши нуқтаи назаридан лингвистика билан чамбарчас боғлангандир. Шу туфайли тилга ёндош бўлган бу хилдаги воситалар лингвистлар диққатини ўзига жалб қилиб келяпти. Чунки уларда ҳам нутқ мазмунига ёндош мазмун ифодаланган бўлади. Бироқ тил формасида эмас, турли воситалар ёрдамида берилади (светафорлар, ҳар хил рангдаги ленталар ҳам, киши органлари ҳаракатлари ҳам шунга киради).

Экстаролингвистик ва ички лингвистик факторларнинг муносабати ҳақидаги масала доимо ва асосли равишда тилшуносликнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланиб келганлигини атоқли тилшунослар қайта - қайта таъкидлайди.

Худди шу фикр бевосита ўзбек тилшунослигига ҳам таалуклидир. Чунки дунёдаги барча тиллар сингари ўзбек тилида ҳам фикр фақат линвистик йўл билан эмас унга қўшимча экстралингвистик (паралингвистик) воситалар ёрдамида ҳам ифодаланади. Бироқ туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи орасида мазмун ифодалашнинг экстралингвистик воситалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари, “миллийлик” ва “ интернационаллик” белгилари ўрганилмаган. Биз

шуларни ҳисобга олган ҳолда алоқа жараёнида ёрдамчи восита сифатида қўлланилаётган имо – ишоралар, уларнинг турлари ва вазифаларини кўрсатиб беришни лозим топдик.

Жамият аъзолари орасида фикр алмашиш, алоқа қилиш жараёнида қўлланилаётган имо – ишоралар тарихи жуда узоққа бориб тақалади.

Нутқ санъатини эгаллашнинг бошланғич босқичида имо – ишоралар ва тилнинг мураккаб аралашиб кетиши, ибтидоий одамларда имо – ишораларни тасдиқловчи ва ифодаловчи жуда кўп сўзларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. “Примитив одамнинг тили, аслини олганда, икки хил тилдир : биринчи томондан, сўз тили, иккинчи томонидан эса, имо – ишора “тили”. Примитив одамлар тили предмет образларини ифодалайди ва бу образларни ўз кўзи ва қулоғи билан қандай тасаввур еца, шундай ифодалаганлар. Ҳар бир фраза мураккаб шаклда бўлиб, унда имо – ишоралар ва товушлар бирлашган”.

Баъзи олимлар кишилар ўзаро алоқанинг дастлабки даврларида, яъни ўзаро муносабатларнинг шаклланиши пайтларида кинетик тилдан² фойдаланганлар, бошқача айтганда, имо – ишоралар алоқа воситаси вазифасини ўтаган. Товуш эса имо – ишора тилидан қариб 450 минг йил кейин шаклланганлигини таъкидлайди. Бундай тушуниш тили ва тафаккур бирлиги ҳақидаги қарашларга мутлақо зид нотўғридир. Товуш тилига эга бўлган кишилар учун имо – ишоралар ўзаро алоқа жараёнида доимо ёрдамчи восита вазифасини ўтаган. Имо – ишоралар ичида “сўз” йўқ. Шунинг учун улар бевосита тушунча билан боғланмайди, фикрни шакллантиришда иштирок ҳам этмайди. Тил воситалари орқали ифодаланадиган фикрни тўлақоним йетказиш, нутқнинг таъсир кучини, жозибадорлигини ошириш, вазиятга қараб нутқни ихчамлаштиришда ёрдамчи восита вазифасини ўтайди. Демак имо – ишоралар товуш орқали ифодаланадиган фикрнинг рўёбга чиқиш жараёнидаги ёрдамчи восита

бўлиб хизмат қилади. Акс ҳолда маъносиз ҳаракатларнинг кўринишларидир.

Тарихда товуш тилига эга бўлмаган бирорта ҳам кишилик жамиятини, ҳатто энг қолоқ кишилик жамиятининг ҳам бўлганлигини билмайди. Товуш тили инсоният тарихида кишиларнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишга, жамият бўлиб бирлашишига, ўз тафаккурини такомиллаштиришга интилиб ишлаб чиқаришни ташкил қилишга, табиат кучлари билан муваффақиятли кураш олиб боришга ва шу тариқа ҳозирги замон тараққиёти даражасида етишишига ёрдам берган кучлардан биридир. Имо –ишоралар ва бошқа паралингвистик ҳодисалар эса доимо нутқ билан бирга қўлланиб, унга ёрдам берувчи иккинчи даражали восита бўлиб келган. Чунки фикр ўзининг маълум моддий асос нутқ ҳисобланади. Нутқ фақат фикр ифодаловчи восита эмас, балки фикрни шакллантирувчи восита ҳамдир.

Ҳар қандай фикр маълум бир тил асосида шаклланади. Полиглотлар доимо қайси тилда фикр қилаётганликларини биладилар ва ҳисобга оладилар. Агар бирон тилдаги ифода нотўғри чиқиб қолса, айтмоқчи бўлган фикр рўёбга ғализ чиқса, мен фалон тилда фикр қилиб, бу тилда гапирибман деб хатосини тан олган. Киши ўз фикрини нутқ товушлари ёрдамида ифода қилмаган тақдирда ҳам ўйлаш жараёнида нутқ органларининг, айниқса марказий нерв системаларининг ҳаракатини, фаолият кўрсатаётганини махсус аппаратлар ёрдамида кўрсатиш мумкин. Шуниндек, айрим кишилар бирон нарсани ичида ўқиётганда, жумладан шеър ёдлаётганда ҳам нутқ органларининг фаолияти, ҳаракати аниқ сезилиб туради. Имо – ишоралар ваербал воситани тўла компенсация қилганда ҳам, вербал ва ситанинг изи – артикуляцияси сезилади, вақтинча эканлигини – факультатив (қўшимча) эканлиги кўринади. Бироқ имо – ишораларнинг фикрини ифодалашда, нутқ жараёнида доимий ёрдамчи

восита сифатидаги вазифаси билан кар – соқовларнинг ўзаро фикр алмашишдаги вазифаси – коммуникация воситаси сифатидаги вазифа бажаришини бир – бири билан аралаштирилмаслик керак. Яъни паралингвистик восита сифатидаги ўрни, вазифаси билан нутқ бирлиги вазифасидаги ўрни ва вазифаси бошқача – бошқачадир. Лекин ҳар иккаласида ҳам нутқ органлари иштирок этса ҳам, фаолиятида фарқ бўлади. Бошқача айтганда, кар – соқовларнинг коммуникация воситаси бўлган имо – ишоралар нутқни кузатиб борувчи имо – ишоралардан фарқ қилган ҳолда, табиий тил билан фунтационал тэнг ҳуқуқлидир. Шунинг учун кар – соқовларнинг коммуникация воситаси бўлган имо – ишоралар паралингвистиканинг текшириш объекти ҳисобланмайди.

Паралингвизмларнинг бадиий матндаги интерпретацияси

Тилдаги коммуникатив нуқтаи назардан ёндашув натижасида тилдан нутққа, нутқий жараёнга эътиборнинг кучайганини кузатиш мумкин. Шунга кўра, кейинги йилларда тилшуносликнинг ўрганиш объекти жонли мулоқот тадқиқига қаратилмоқда.

Инсон фаолиятининг асосий катта қисми коммуникатив муносабатлардан иборат экан ва инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берад экан, алоқа-аралашувни шакллантирувчи восита вазифасини бажарувчи асосий қурол матн саналади. Коммуникация ва матн ўзаро боғланган ва бири иккинчисини тақозо этади. Қолаверса, матн нафақат нутқий алоқа бирлиги, балки, умуман, коммуникатив муносабатларнинг ҳам бирлигидир. Агар биз маълум шахснинг нутқий матнини таҳлил этсак, у энг аввало коммуникант томонидан (адресат) ирод қилинганини, бу эса бошқа коммуникатга (адресатга) узатилганини эътироф этамиз. Узатилаётган ахборот тилнинг муайян қонун-қоидалари асосида шакллангани (интралингвистика) унинг матн талабларига жавоб беришини билдиради, коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари

(экстралингвистика) катта аҳамиятга молик бўлади. Адресат ушбу ахборотни қабул қилиб олгач, унга муносабат билдиради. Натижада коммуникатлар томонидан ўзига хос жонли алоқа-аралашув ҳосил бўлади. Бунда коммуникантларнинг хусусиятлари, коммуникатив ҳолат аҳамиятли саналади. Паралингвизмлар номинациясининг бадиий матнда ишлатилиши тадқиқи шуни кўрсатадики, улар асосан муаллиф нутқида қўлланади. Паралингвизмлар номинацияси нолисоний воситанинг фаол ишлатилиши натижасида кодланган, барчага тушунарли бўлган типик ҳолатнинг ифодаси бўлган стандарт номинациядан, шунингдек, алоқа-аралашув жараёнида коммуникантлар томонидан индивидуал қўлланган, мураккаб кинематик жараёни ифодалаб берувчи ностандарт номинациядан иборат бўлади.

Масалан, қош учирмоқ, кўз қисмоқ, бош қимирлатмоқ каби кинемалар номинацияси луғавий бирлик сифатида шаклланган ва маълум маъно ифодалаб келади. “У ўлиб қолди” деган фикрни чет элликларга етказиш учун тилини чиқариб, кўзини юмиб, бошини ўнг елка томон яқинлаштириб, икки қўлини икки тарафга очиқ ҳолда ёйиб кўрсатди гапида (муаллиф нутқида) коммуникатив актдаги кишининг имоси, ишораси, гавда ҳаракати ёрдамида ўлиш ҳолати лисоний жиҳатдан тасвирлаш асосида берилмоқда ва ушбу номинация ностандарт номинация жумласига киради. Шу билан бирга, гарчи ажнабийлар тушунмаса-да, “у ўлиб қолди”даги талаффуз оҳангида ҳам адресатга қўшимча ахборот узатилади. Кўриниб турибдики, суҳбатдошлар алоқа-аралашувида нутқий воситага қўшимча равишда, кўз, тил, юз, елка, қўл ҳаракатлари ва просодик воситалар иштирок этмоқда. Коммуникатив жараёни тўлалигича вербал ифодалашда диалогик актни юзага чиқарувчи лисоний ва нолисоний воситалар иштирок этади.

Алоқа – аралашувнинг самарали амалга ошишида коммуникантларнинг ўзаро муносабати ва коммуникатив акт юзага чиқишидаги ҳолат аҳамиятли саналади. Шунга кўра алоқа-аралашув воситаларидан, жумладан, паралингвизмдан фойдаланилади ва мулоқатни бошқариш осонлашади. Алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситаларнинг ишлатилишида, юқорида таъкидланганидек, коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари катта аҳамият касб этади. Негаки, паралингвизмларнинг ишлатилиши нутқ маданияти талаблари асосида бўлиши, нутқий этика талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мулоқат расмий, илмий, жиддий, иш юзасидан бўлганда ёки суҳбат юзага чиқаётган ҳолат, шароит ҳам паралингвизмларнинг ишлатилишида аҳамиятли саналади.

Диалог ижрочиларининг нолисоний воситаларидан фойдаланиши уларнинг мулоқат маданиятини билдириб келади. Коммуникант суҳбатдоши билан муносабати ва ситуациядан келиб чиққан ҳолда паралингвизмлардан фойдаланади.

Бошлиқнинг акасини кўргач, у беихтиёр икки кўлини кўксига қўйиб, “қадамларига ҳасанот” деди ва тз-тез юриб, қўш қўллаб кўришди, юзида миннатдорчилик ва хурсандлик балқиб турар, овози ҳам тантанавор оҳангда жаранглади. (Газетадан)

Мисоллардан кўриниб турибдики, кишиларнинг имо-ишоралари ҳамда талаффуз оҳанги алоқа-аралашувда коммуникатив самара бермоқда. Унда коммуникантлар ўртасидаги муносабатлар, суҳбат мавзуси ва суҳбатдошларнинг ўзаро таъсирланишлари аҳамиятли саналади.

Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатлар мулоқатнинг ташкил этилиши ва бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса коммуникантларнинг ўзаро муносабатларидан, саломлашувларидан бошланади. Ассалому алайкум, куёв бола! Хўп саломатгина бормисиз? –

Боғбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски кадрдонлардек кучоқлашдик (Ў. Ҳошимов) Саломлашув (кўришув) жараёни коммуникантлар ўртасидаги муносабатни аниқлаштиришга ёрдам беради. Юқоридаги матнда кўришиш шакли орқали коммуникатив самара намоиш этилмоқда.

Бадиий насрий матнда сўзсиз репликалар саломлашувни, ҳайрлашувни, миннатдорчиликни, саволни, жавобни, розиликни, тасдиқни, инкорни, ажабланишни, ҳайронликни ва бошқа маъноларни ифода этиб, улар ишора, мимика, гавда ҳаракатлари, оҳанг орқали ифодаланиб, матнда стандарт ёки ностандарт номинация орқали берилади ҳамда ўқувчи ўша ҳолатни тасаввурида тиклаш орқали унинг маъно нозикликларини аниқлаб олади.

Паралингвистика новербал воситаларни ўрганувчи фан

НOVERбал воситаларни алоҳида система сифатида ўрганишга қизиқиш паралингвистиканинг фан сифатидаги шаклланишига сабаб бўлди. Кейинги даврларгача экстралингвистик ҳодисалар билан паралингвистик ҳодисалар бир-бири билан фарқланмасди. Шунинг учун норвал воситаларни ўрганувчи тилшуносликнинг соҳаси турлича номлар билан аталиб келинди. Сўнгги пайтларда экстралингвистика билан паралингвистика бир-биридан ажратиляпти. Масалан, А. С. Ахманова тилшуносликни “микрoлингвистика” термини билан ифодалаб “микрoлингвистика” ни “паралингвистика”, “микрoлингвистика”, “менталингвистика” каби соҳаларга ажратиб кўрсатади ва паралингвистиканинг тил ифодасининг физик табиати ва моҳияти билан шуғулланишини таъкидлайди. “Паралингвистика” эса “Менталингвистика”, “психолингвистика” ва “антрополик лингвистика” га бўлиниб улар тил ва тафаккур, уларнинг ўзаро муносабатлари, тил ва жамоат, тилнинг жамиятдаги роли, жамият тараққиёти, унда бўладиган

Ўзгаришларнинг тилга таъсири, тилнинг алоқа воситалари сифатидаги вазифаси, турли тил алоқаларини бажаришдаги ўрнини текширади. “Паралингвистика” ва “Менталингвистика”, “Екстралингвистика” деган умумий бир ном билан аталади ва “паралингвистика”, “менталингвистика” унинг таркибий қисми ҳисобланади.

“Паралингвистика” эса коммуникация учун хизмат қиладиган нутқнинг ёрдамчи воситаларини ўрганади.

“Паралингвистика” лотинча пара (ёndoш), лангуя (тил) сўзларидан олинган бўлиб, “тилга ёndoш”, “тил билан бирга қўлланувчи” маъносини ифодалайди. Бу термин биринчи марта А. Хилл томонидан тавсия етилган. Кейинчалик Трейгер бу соҳага оид асар ёзиб, унинг моҳиятини субстанциясини (бу фаннинг предмети, вазифаси, ўрганиладиган ҳодисалар моҳияти ва бошқалар) белгилаб берди.

Нутқ жараёнида вазият тақозоси билан тил воситалари билан бир қаторда норвебал воситалардан ҳам фойдаланиши, бундай факторларни ҳам лингвистик тадқиқот доирасига киритиш зарурлиги “Прага структурализм мактаб вакиллари томонидан нашр етилган”. Тил воситаларига функционал томондан ёndoшиш концепцияси табиий равишда нутқ воситалари тушунчасини кенгайтиришни талаб қилади. Алоқа жараёнида тил воситаларидан ташқари бошқа воситалардан ҳам фойдаланилди. Бундай пайтда экстралингвистик воситаларга нисбатан паралингвистик воситалар айниқса кенг қўлланилади. “Функционал лингвистика” тезисида сўзловчининг оғзаки нутқи билан биргаликда қўлланиб, тинглолвчиларбилан бевосита алоқа қилишда нутқ мазмунини тўлдирадиган, унинг жозибadorлиги, тасирчанлигини оширадиган имо-ишораларни лингвистик регионаал иттифоқларнинг проблемалари учун аҳамиятга эга бўлган имо-ишораларни системали ўрганиш лозимлиги айтилган!

Ана шундай амалий талаб билан нутқнинг бу ёрдамчи воситаларини ўрганувчи махсус фан соҳасида майдонга келди. Ҳозирги кунда бу фан соҳаси “паралингвистика” номи билан тилшунослиқдан мустаҳкам ўрин олган.

1 БОБ

ПАРАЛИНГВИСТИК БЕЛГИЛАРНИНГ ТИЛ СТРУКТУРАСИГА МУНОСАБАТИ

Паралингвистик ҳодисалардан энг фаол қўллайдиганларидан бири имо-ишораларидир. Ҳар қандай нутқ маълум бир маконда, маълум бир вазиятда руёбга чиқади. Ҳатто бадий асарлардан ҳам ана шу нутқ жараёни вазият билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Характерларнинг яратилишини ҳам имо-ишораларсиз тассавур қилиш қийин. Чунки ҳарқандай киши нутқ жараёнида лингвистик воситалар билан бирга фикр ифодалашда уларга ёндош бўлган паралингвистик воситалардан, жумладан, айниқса, имо-ишоралардан кенг фойдаланади. Шунинг учун имо-ишораларнинг пайдо бўлиши тарихига ҳам олимлар, мутахассислар ўз муносабатларини билдирганлар.

Имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳозирга қадар икки хил қараш мавжуд. Биринчи гурпуадаги олимлар, натуралистик қарашнинг номаёндалари имо-ишораларни табиий деб ҳисоблайди, маълум биологикпроцесслардан келтириб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Ч.ДАВРИН “Сезгиларнинг ифодаланиши ҳақида” асарида инкор ва тасдиқ ифодаловчи имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейди: “Кичкина болаларда инкорнинг биринчи акти овқатдан ўзини тортишдан бошланади.” Мен ўзимнинг болаларимни бир неча марта кузатганимда, улар буни калласини она кўкрагидан ёки қошиқдаги овқатдан бир томонга силкиш билан ифодалайдилар. Агар улар овқат ейишни хоҳласалар, уни оғзига оладилар ёки калласини олдинга эгадилар. Шу нарса этиборга лойиқки, овқат қабул қилинаётганда, олдинга бир марта ҳаракат қилинса, тасдиқ белгиси сифатида калла бир марта олдинга силкинади. Бошқа томондан эса овқатдан ўзини тортаётиб, айниқса, агар уларга жуда яқин келтирилган бўлса, болалар худди биз

инкор ифодалаш учун бошимизни қимирлатганимиздек, калласини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳаракат қилдиради. Бундан ташқари, кўпинча овқатни рад қилишда болаларнинг калласини орқага ташлаши ёки оғзини юмушлари ҳам кузатилади. Шунинг учун бу ҳаракат ҳам инкор белгисини ифодалашлари мумкин !

Шунингдек, турли имо-ишораларнинг биологик асосларини рус совет олими В.М.БЕХТОРОВ ҳам кўрсатган.

Иккинчи гурпуадаги олимлар эса паралингвистик ҳодисаларни, жумладан, имо-ишораларни табиий ҳодиса эмас, балки жамият билан мувофиқлашган шартли ҳодиса, деб қарайдилар. Улар ўз фикрларини турли жамиятларда паралингвистик фономенларнинг фарқли эканликларини кўрсатиш билан исботлайдилар.

Г.М.НИКОЛАЕВА ва Б.А.УСПЕНЕКИЙ ларҳақли равишда паралингвистик ҳодисаларни ўрганишда ҳар икки қарашни бирлаштириб мақсадга мувофиқдир, дейдилар. Чунки биринчи фикр кўпроқ диохроник планга, иккинчиси эса синхроник планга мувофиқ келди.

Паралингвистик белгилар, воситалар алоҳида система сифатида фақат нутқ жараёнига нутқ сўзловчи ва уни тингловчи ораларидаги муносабатга, нутқ сўзланиб турган вазиятга боғлиқ ҳолда қўлланилиши туфайли тил отруктурасига кирмади. Чунки тил системаси ташқи факторларига боғлиқ бўлган ҳолда яшайди. Коммуникациянинг юзага чиқиши учун қандайдир ёрдамчи воситаларга муҳтож бўлмайди. Тил системаси ҳамisha ҳар қандай фикр мазмунини, ҳис-ҳаяжонларини ўз ички воситали билан ифодалаш қудрқтига эга. Аммо коммуникацияда информацияга зарар етказмайдиган даражада функцион енергияни тежашга интилиш ҳар қандай инсон фаолиятига хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам инсон тилида доимо ортиқча нарсалардан кутилишига, зарур нарсаларни эса бўртириб кўрсатишга интилади. Худди ана шу талабга

кўра, айтилиши лозим бўлмаган ортиқча формал воситалар ўрнини боса оладиган, компенсация қиладиган содда ваээнг тежамли восита бўлган паралингвистик воситалар таркибига кирувчи имо-ишоралари ҳамда бошқа нуқтаий (суперсегмент воситалар) воситалардан ҳам фойдаланилади. Масалан, стол устида турган ручкани мэнга оли бер – гапида агар сўзловчи шу столга яқин бўлса, гапнинг “стол устидаги ручкани” қисми нутқ ситуацияси учун ортиқча бўлиб қолади. Натижада кўл билан стол устидаги ручкани кўрсатиб “олиб бер” дейиши билан гапнинг барча қисмидаги англашиладиган фикрни ифодалаш мукин. Демак, кўлнинг кўрсаткичи ҳаракати эллипсга учраган гап қисмларнинг функциясини бажаради, уни компенсация қилади. Бу билан ифолада ихчамлик туғилади. Кўриниб турибдики, паралингвистик воситалар, биринчидан, нутқни ихчамлаштиради, иккинчидан эса нутқни компенсациялаш вазифасини бажаради. Паралингвистик воситаларнинг нутқ жараёнида кўлланиши таъсирчанликни оширишдан ташқари, тилдаги доимо амал қиладиган тежамкорлик принципи билан боғлиқ бўлган вақт ва энергия сарфини ҳам камайтиради.

ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Нутқ жараёнида ишлатиладиган тил воситаларига ёндош воситалар ҳам жуда хилма –хил ва турлича маъно ифодалайди. Бироқ уларнинг турларини кўрсатишда барқарорлик йўқ, турли хил фикрлар мавжуд:

1. Кўпгина олимлар фақат нутқни кузатиб борадиган ҳар қандай сўзсиз коммуникация воситаларини паралингвистик воситалар деб ҳисоблайди ва қуйидаги ходисаларни киритади, жумладан, кишилар орсиддаги характерлар билан боғлиқ кулги, йиғи, эснаш ва уларнинг турлари (характеризатлар):

2. Малакага тегишли бўлган (квалификацаторлар) талаффуз тезлигининг турлари, асосий тоннинг (оҳанг) баландлиги ва бошқалар:

3. Айирувчилар, яъни тил ҳодисасига тегишли бўлган товушлврнинг комбинацияларидан хм,уф-уф, це, це-це сингарилар ҳамда имо-ишоралар, мимикалар, шунингдек, ёзувдаги турли ёрдамчи график ишоралар кўрсатилади.

Бошқа бир группа тадқиқотчилар эса информацияда қатнашадиган барча ёрдамчи воситаларни вербал бўмаган воситалар доирасига киритиб, уларни уч группага ажратиб кўрсатади:

- а) табиий нутқни кузатиб борувчи новербал воситалар;
- б) нутқ ифодаси ўрнида қўлланиладиган новербал воситалар;
- в) вербал воситалар билан бирга ишлатиб, аралаш ҳолатни ҳосил қиладиган новербал воситалар.

Булардан биринчиси паралингвистик ҳолат, иккинчиси, тил белгилари субституцияси (ўрни келганда вазиятга қараб нутқ элементининг тушиб қолиши, еканомия принципига амал қилиш), учинчиси эса тил ва тилга тегишли бўлмаган воситалар интерференцияси деб изоҳланади. Кўриниб турибдики, бу группадаги олимлар фақат нутқни кузатиб борадиган новербал воситаларнигина паралингвистика таркибига киритадилар. Уларнинг фикрича, новербал воситалар (имо-ишоралар) уч хил коммуникатив вазифа бажаради. Шулардан фақат биринчисигина паралингвистика доирасига киритган.

“Биз паралингвистик доирасига нутқ жараёнида (коммуникацияда) иштрок этадиган барча суперсегментлар воситалар ва имо-ишоралар ҳамда мимикаларни киритиш тарафдоримиз”.

Тил информациясининг икки томони – ички ваташқи томони мавжуд бўлиб, ички томони тил ситуациясига оиддир. Анъанавй лингвистик тадқиқотларда асосан, микролингвистик объект – нутқнинг

ички томони (сегменталанадиган бирликлар – фонема, морфема, сўз, сўз бирикмасига, гаплар) текширилди. Нутқнинг ташқи плани (томони) нутқнинг тони, тембри, имо-ишоралар, мимикалар, суҳбатдошнинг манералари) кўпинча эътибордан четда қолади. “Д.Ж.ЛОТЦНИНГ маълумотга қараганда, - дейди О.С. АХМАНОВА, - софлингвистик ёки “микрولىнгвистик” элементлар берилаетган нутқий ахборотдаги барча информациянинг жуда оз қисмини ташкил этади. Информациянинг бошқа томонлари эса сўзловчининг овозини фарқлашга имкон берадиган овоз тарактининг хусусияти, унинг физик ҳолати, барча ситуацияга муносабати, эмоционал ҳолати, ижтимоий алоқадорлиги ҳақидаги билан тўлдирилиши ҳисобига бўлади. Масалан, ўзбек тилида Карим нутқ бирлиги сифатида (анъанавий лингвистик таҳлил бўйича) беш фонема, икки бўғин, бир морфема ва бир сўздан иборат. Семантик планда жонли предметни ифодалайди. Аммо бу тил бирли жонли нутқда турли суперсегментлар воситалар билан бирга ишлатилиб, қўшимча яна бир қанча маъноларни ифодалайди. Жумладан: турли интонемалар ёрдамида:

1) жавоб;

2) савол;

3) ундалма;

4) чақирик;

5) чақирикнинг иккинчи варианты;

6) қувноқ хайратланиш;

7) норози оҳангда;

8) огоҳлантириш;

9) қахр;

10) таъна;

11) жирканиш;

12) юмшоқ сураш;

- 13) ялиниш;
- 14) ғурур;
- 15) кўрқинч ва бошқалар билдирилади.

Кнемалар кўшилганда, хусусан, калла ёки лабнинг ўнг томони бир марта силкиниши ёрдамида “кетдик” каби маъно ҳам ифодаланади.

Кўриниб турибдики, инсон нутқни ниҳоятда жуда кўп томонларини ёзувдв бериши имконияти бўлмайди. Натижада анъанавий лингвистик таҳлилдан четдақолади. Тил информациясининг тўла картинасини номаён қилиши учун эса нутқнинг барча томонларини комплекс равишда текшириш заруряти сезилади. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда: “фақат барча ситуация комплекси нутқ фрагментининг тўлиқ ва ҳақиқий маъносини кўрсатади” – дейди!

ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Паралингвистик ҳодисалардан энг фаол қўллайдиганларидан бири имо-ишораларидир. Ҳар қандай нутқ маълум бир маконда, маълум бир вазиятда руёбга чиқади. Ҳатто бадий асарлардан ҳам ана шу нутқ жараёни вазият билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Характерларнинг яратилишини ҳам имо-ишораларсиз тассавур қилиш қийин. Чунки ҳарқандай киши нутқ жараёнида лингвистик воситалар билан бирга фикр ифодалашда уларга ёндош бўлган паралингвистик воситалардан, жумладан, айниқса, имо-ишоралардан кенг фойдаланади. Шунинг учун имо-ишораларнинг пайдо бўлиши тарихига ҳам олимлар, мутахассислар ўз муносабатларини билдирганлар.

Имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳозирга қадар икки хил қараш мавжуд. Биринчи гурпуадаги олимлар, натуралистик қарашнинг номаёндалари имо-ишораларни табиий деб ҳисоблайди, маълум биологикпроцесслардан келтириб чиқаришга ҳаракат қиладилар.

Жумладан, Ч.ДАВРИН “Сезгиларнинг ифодаланиши ҳақида” асарида инкор ва тасдиқ ифодаловчи имо-ишораларнинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейди: “Кичкина болаларда инкорнинг биринчи акти овқатдан ўзини тортишдан бошланади.” Мен ўзимнинг болаларимни бир неча марта кузатганимда, улар буни калласини она кўкрагидан ёки қошиқдаги овқатдан бир томонга силкиш билан ифодалайдилар. Агар улар овқат ейишни хоҳласалар, уни оғзига оладилар ёки калласини олдинга эгадилар. Шу нарса этиборга лойиқки, овқат қабул қилинаётганда, олдинга бир марта ҳаракат қилинса, тасдиқ белгиси сифатида калла бир марта олдинга силкинади. Бошқа томондан эса овқатдан ўзини тортаётиб, айниқса, агар уларга жуда яқин келтирилган бўлса, болалар худди биз инкор ифодалаш учун бошимизни қимирлатганимиздек, калласини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳаракат қилдиради. Бундан ташқари, кўпинча овқатни рад қилишда болаларнинг калласини орқага ташлаши ёки оғзини юмушлари ҳам кузатилади. Шунинг учун бу ҳаракат ҳам инкор белгисини ифодалашлари мумкин !

Шунингдек, турли имо-ишораларнинг биологик асосларини рус совет олими В.М.БЕХТОРОВ ҳам кўрсатган.

Иккинчи гурпуадаги олимлар эса паралингвистик ҳодисаларни, жумладан, имо-ишораларни табиий ҳодиса эмас, балки жамият билан мувофиқлашган шартли ҳодиса, деб қарайдилар. Улар ўз фикрларини турли жамиятларда паралингвистик фономенларнинг фарқли эканликларини кўрсатиш билан исботлайдилар.

Г.М.НИКОЛАЕВА ва Б.А.УСПЕНЕКИЙ ларҳақли равишда паралингвистик ҳодисаларни ўрганишда ҳар икки қарашни бирлаштириб мақсадга мувофиқдир, дейдилар. Чунки биринчи фикр кўпроқ диохроник планга, иккинчиси эса синхроник планга мувофиқ келди.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР

ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ўзбек тили таркибидаги махсус паралингвистик воситаларни кинетик, мимик ва фонетик воситаларга ажратиб ўрганиши мумкин.

Ўзбек тили таркиби инкор, тасдиқ, кўрсатиш, хайрлашув, дўқ қилиш, саломлашиш маъноларини ифодаловчи. Шу билан бирга фикр ифодалаш жараёнида ҳистуйғуларни бўриттириб кўрсатиш учун турли хил кинетик воситалардан фойдалинилади.

1. Масалан, калланинг горизонтал ҳаракати “йўқ” маъносини билдиради. “Бошини чайқамоқ” вербал воситаси билан ифодаланади. Чунончи;

- Йўқ-е, - деди Зухра келин бош чайқаб.
- Тракторчилик эркакларнинг иши

(Ў.ҲОШИМОВ. “Икки эшик ораси” 159 бет)

Ўзбек тилида тасдиқ ифодаловчи кинетик воситалар ҳам кўп учрайди.

Бошнинг вертикал ҳаракати “бор” маъносини билдиради. Бу ҳолат “бош силкиди”, “бош ирғиди”, “бошни қимирлатди” каби вербал воситалар орқали ифодаланади. Масалан; Башар опа “тўғри” дегандек бош силкиди. (Ў. Ҳошимов “Икки эшик орасида”, 196- бет).

Зухра келин индамай бош ирғади. (Ў. Ҳошимов “Икки эшик орасида”, 196- бет).

- Ўшани сен минаясан, уқдингми ?

Зухра келин индамай бош ирғиди. (Ў.ҲОШИМОВ, “Икки эшик ораси” , 196-бет.)

- Келди! - у жўн гап айтгандек хотиржам бош силкиди. (ўша асар, 193-бет)

2. Тасдиқ маъносини ифодалашда кинетик воситалардан қўл ҳаракати ҳам ишлатилади.

Масалан: Бекдават бирпас жим ўтирдида, кўлини узатди.
(Ш.ХОЛМИРЗАЕВ. “Йўлчи”, “Шарқ юлдузи” 1987-йил 36-бет).

Бу мисолларда кўлини узатиш ҳаракати “розилик”, яъни инкор қилмаслик маъносинида қўлланган.

Инкор ва тасдиқ маъноларини ифодаловчи ёрдамчи воситалардан ташқари кўрсатишни (бирор предмет, нарса ва ҳодисаларни) ифодаловчи паралингвистик воситалар ҳам мавжуд. Кўрсатиш маъносини ифдалашда кинетик воситалардан қўл ҳаракати актив қўлланади. Ёзувда бу ҳаракат “бармоғини биғиз қилди” каби вербал воситалар билан ифодаланади. Мисоллар:

- у менга қараб бармоғини биғиз қилди, - мана шу азамат кечаси билан тонг отар ухламай гўза суғориб чиққанини биласизми?

(Ў.ҲОШИМОВ. “Икки карра икки - беш”, 83 - бет).

Анавилар нега думалаб ётибди иш пайтида?

- Раис бува аввалига бизни танимади шекилли, кўлини пахса қилди.

Ухлаб ётибсизларми? (Ў.Ҳошимов “Икки кара икки - беш”, 93 - бет).

Кўрсатиш маъносини ифодалашда яна қуйидаги паралингвистик воситалар ҳам қўлланилади: Кўзи билан мэнга имо қилади. Барчага беринг.
(Ў.Ҳошимов “Икки эшик ораси”, 43 - бет).

Кимсан акам “ у ёққа қара” дэгандек биқинимга туртиб имо қилди. (Ўша асар. 58 - бет).

У ёлкаси оша имо қилди.

- Шогирдингиз ўқувчи чиқиб қолди. Шекилли?

Бу каби мисоллардаги “ кўз билан имо қилиш ”, “кўлини силташ” , “биқинига туртиш”, “бош билан имо қилиш”, “бошини силташ”, “кўзига тикилиш”, “кўлидан тутиш”, “бошин чайқаш”, “бошини ирғаш”, “қовоғини солиш”, “қовоғини туширмоқ”, “кўлини қисмоқ”, “елкасига қўл ташламоқ” сингарилар ҳам паралингвистик воситаларга киради.

- Йўқ – йўқ, - деди бошини чайқади Абдурахмон, - яни иккита қиличбоз керак. Сахрода келаётиб, емай – ичмай фақат шу хусусида ўйладим. Камина тагин иккита . . . (Бакир Юлдуз “Карбало фожиаси”, 7 - бет).

- Кўряпман, - дея бош ирғиди Абдуллох. (Юқоридаги асар, 26 - бет).

- Ие, Раънохон! – Умар акам имо қилди. – Марҳамат. (Ў. Ҳошимов “Икки эшик ораси” 236 - бет)

- Қўйинг шундоқ ! Умар закунчи тугунни сандал устига қўйишга имо қилди. (Ўша асар, 230 - бет).

- Бу жой, - меҳмон бўш курсилари имо қилди.

- Сизларники. (Ўша асар, 201 - бет).

Бу гаплардаги “имо қилди” вербал воситалар биринчи гапда ўтиришга таклиф қилиб жой кўрсатиш маъносида, иккинчи гапда нарсани бирон жойга қўйишни кўрсатиш маъносида, учинчи гапда эса одамларга ўз ўрнини кўрсатиш маъносидакўлланган. “Хайр” маъносини кўрсатувчи кинетик воситалардан бошнинг вертикал ҳаракати, шунингдек, вертикал ҳаракатда чўзиб, силкитиш ва бошқа ҳаракатларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

Масалан:

– Яхши боринг, – деди Ҳабиба.

Бекдавлат бош ирғиди ва ажиб бир ҳолга тушди. Бекдавлат ҳам қўлини чўзган ҳолда қимирлатди, машинанинг у ёғига ўтди. (Ш. Холмирзайев “Йўловчи”, “Шарқ юлдузи”, 1987 йил, 48 бет).

Дўқ қилиш, дўқ – пўписа қилиш, қаҳр – ғазабни ифодалаш каби маъноларни билдирувчи паралингвистик воситалар “муштини дулайтирди”, “столни муштлади”, “қўлини пахса қилди” каби вербал воситалар орқали ифодаланади.

Масалан:

- Дард – Башорат совуқдан тарс – тарс ёрилган кўлини сандалга муштлади.
- Трактор ҳайдаш – аероплан учириш эмас. (Ў. Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 194 - бет).
- Жим! – деди кўлини пахса қилиб (Ўша асар, 2 - бет).
- Аканг тенги одамга қоп орқалатгани уялмайсанми ?
- Мен сенга ўйнаб ўтирипман дедимми ?!
- Сафар ака кўлини пахса қилди. (Ўша асар, 9 – бет).

Булардан ташқари яна қуйидаги гаплардаги паралингвистик воситалар ҳам бизнингча, жаҳли чиққанини билдиради: жумладан; – Е ! – У жаҳл билан кўл силтади.

- Табиб ким бўпти ўзи ? (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси” 237 – бет).
- Яна гапирди – я ! – оқсоқол “сатқай одам кет” дэгандек қуюқ қошини чимирди. (Ўша асар, 283 – бет).
- ”Уйинг билан кўшмозор бўл”, дэгандек лабини кинояли қимтиди (Ўша асар, 62 – бет).

Бу гаплардаги ”жаҳл билан кўл силтади”, ”қуюқ қошини чимирди”, ”лабини кинояли қимтиди” вербал воситалари жаҳли чиққанини англатаёпти.

Саломлашиш маъносини кўрсатувчи кинетик воситалардан ”кўлини кўксига қўйиш”, ”бош силкиш” каби паралингвистик воситалар ишлатилади.

Масалан:

Тавозе билан икки кўлини кўксига қўйиб салом берди. (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси”, 46 – бет).

Ахмад салом берди. Толиб ака садақа бергандек билинар – билинмас бош силкиб алик олди. (Ф. Мусажонов ”Химмат”, 62 – бет).

11 БОБ

НУТҚИЙ ВАЗИЯТ ВА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Паралингвистик воситалар жуда хилма-хил бўлиб, турли вазиятда ранг-баранг коммуникатив вазифалар бажаради. Нутқ жараёнида фикр ифодалаш учун қаршилиқ қанча кўп бўлса, паралингвистик воситалар шунчалик кўп ишлатилади.

Фикр қаршилиги ҳам икки хил бўлади. Бу ташқи ва ички факторларга боғлиқ. Масалан коммуникация очиклигида юз бериб, суҳбатдошларнинг масофаси узок бўлса, ёки ўзаро масофа яқин бўлиб, кучли шовқин суҳбатга халақит берса, қўшимча новербал воситаларга имо – ишоралар ва мимикаларга эҳтиёж кучли бўлади.

Ички сабабларга кўра сўзловчи ва тингловчининг субъектив ҳолстлари билан боғлиқдир. Хусусан, тингловчи (мор) яхши ешитмаслиги мумкин. Бундай пайтда ҳам имо – ишораларнинг иштироки фаоллашади.

2. Имо – ишораларнинг нутқ стиллари билан ҳам боғлиқдир. Тантанали нутқ, сўзга чиқишларда имо ишораларнинг нутқни кузатиб бориши унинг тасичанлигини таъминлайди. Вербал ва новербал воситаларнинг бир – бирига ўринли боғлаб олиб борилиши нозик (ораторнинг) юксак махорати белгиси ҳисобланади. Бунда талаффуздаги охангорлик, интоноция ҳам муҳум рол ўйнайди.

3. Нутқ вазияти ҳам белгиланган. Ўзаро фикр алмаш жараёнида ёнидаи кишиларга, шерикларига сездирмаслик ёки халақит бермаслик учун кинетик воситалардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

4. Коммуникация очик бўшлиқда содир бўлса ва фикр алмашадиган кишилар ўзаро узок масофада бўлиб товуш етказиш имконияти қийинлашиши натижасида ҳам имо – ишоралардан фойдаланишга тўғри келади. Бунда коммуникациянинг мазмуни ва мақсади олдиндан белгиланган бўлади. Фақат айрим аниқликлар киритиши мумкин халос.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, имо - ишораларнинг нутқ таркибидаги бажарадиган вазифаси бир хил эмас. Баъзан паралингвистик воситалар нутқ билан бирга ишлатилиб, унинг экспрессив стилистик оттенкасини кужайтириш учун хизмат қилса, айримлари тежамкорликка учраган нутқ бирликларидан баъзиларининг ўрнини эгаллаш (компенсация қилиш) учун ишлатилади. Яъни бир группаси эса ўзининг кузатиб бориши лозим бўлган вербал асосида тамоман узилади ва шу вазиятда вербал восита ўрнида қўлланилади.

Имо – ишораларнинг бу уч вазифаси синчиклаб кузатилганда, бир – бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги кўринади ва биринчи иккинчисидан келиб чиққан деб ҳуқум чиқаришга имкон берилади.

Нутқ ўзларига хос кинетик бирликлар билан кузатиб борилади. Бундай нутқ билан кинетик бирликларнинг нутқ ичида узоқ боғланиши натижасида бирининг ўрнига иккинчисини қўллаш имконини туғдиради. Масалан: Биз бир – биримизни афсонавий муҳаббат билан севардик. Ана шундай муҳаббат билан турмуш қурдик. Орадан ўн йил ўтди. У мени ҳамон ўшандай севади, мен эса (бошини қимирлатади). (СҲЕХОВ).

Юқоридаги гапда инкор маъносини ифодаловси сўз билан бошнинг горизонтал қимирлашининг ўзаро боғликлиги вербал восита ўрнида иккинчисининг қўлланишига имкон беради.. Натижа имо – ишораларнинг нутқ таркибида аралаш ишлатиш ҳолатлари вужудга келади.

Диологик нутқда кинетик бирлик билан нутқ бирлигининг доимий алоқаси туфайли, тамоман нутқ бирлигининг ўрнини кинетик бирлик эгаллайди. Кинетик бирлик нутқ бирлиги субституцияси ёрдамчи бўлиб келади. Масалан: ”Нима қилаяпсан?”, “Қайерга кетяпсан?” каби сўроқларини калланинг юқорига бир марта силкиниши ҳаракати кузатиб борган. Бунинг натижасида улар оралиғида боғланиш ҳосил бўлган. Ана

шу боғланиш натижасида бу кинетик белгининг ўИ ҳам анашу сўроқларнинг маъносини бера олиш вазифасини бажаришга ўтган.

Сўроқ: Калланинг бир мартга тепага силкиниши (“қайерга кетаяпсан” ифодасининг ёрдамчи, субститути).

Жавоб: уйга кетяпман.

Ёки сўроқ: Ўша ҳаракат (“Нима қилияпсан” субститути).

Жавоб: Кутубхонада ишляпман ва бошқалар. Демак, имо – ишораларнинг юқоридаги уч вазифалари орасида катта тафовут йўқ. Иккинчи, учинчи вазифа биринчи вазифадан келиб чиққан. Бу худди граматикадагиконверсия ҳодисасига ўхшайди. Конверсиядаги субетансивация, одективация (вазифаси ўхшаш), прономинация каби, бу ҳодисани ҳам вербализация деб, ёки паралингвистик ҳодисасига ўтган деб ҳисобласа бўлади.

Маълумки, юқори сатҳга доир ҳар қандай тил бирликлари денотатив томонидан объектив борликдаги маълум ҳаркат, нарса ва ҳодисаларни ифодалайди. Яъни объектив борликдаги нарса, ҳаракат ва ҳодисалар (денотат) киши онгида акс этади (синификат) ва онгда акс етган бу тушунчалар маълум товуш қобиғи (сўз) ёрдамида ифодаланади. Демак, сўзлар объектив борликдаги нарса, ҳодиса ва ҳаракатларни бевосита эмас, балки онг орқали акс етиради.

Шунингдек, имо – ишоралар ҳам онгда маълум маънога ҳосланади. Яъни объектив борликдаги нарса ва ҳодиса (ҳаракат, ҳолат ҳам) онгда акс этади ва имо – ишоралар орқали баён қилинади. Демак, бу жиҳатдан, сўз ҳам имо – ишоралар ҳам бир хил вазифа бажаради, ҳар иккаласи ҳам шартлиликка асосланган белгидир.

Аниқ нутқ вазиятида маълум бир маъно ифодаловчи имо – ишоралар шу нутқ вазиятини қайта ҳикоя қилиб бериш жараёнида маълум лингвистик бирликлар ёрдамида тасвир қилинади. Демак, ҳар бир тилда

имо – ишораларни ифодаловчи бир қатор феъллар мавжуд. Бу феъллар семантис томонидан ишора феъллари дейилади.

Масалан : кўз қисди, лабини бурди ва бошқалар.

Инсоннинг мимикалари, кўл ҳаракатлари табиий ва шартли характерга эга бўлади. Масалан : лабга қўнган пашшани ҳайдаш учун қилинган лаб ҳаракати ёки ҳаракати табиий ҳаракатдир. Чунки бу ҳаракатлар тингловчи учун ҳам ҳеч қандай ахборот бермайди.

Тингловчига қараб туриб бошнинг, кўз – қошлар- ёрдамида бир марта ўнганга (баъзан чапга) силкиши унинг бу ердан чиқиб кетиши кераклигини билдиради. Демак, маълум ахборот беради. Шунинг учун бу ҳаракат шартли ҳаракатга эгадир.

Шартли ҳаракатга эга бўлган имо – ишоралар белги вазифасини бажаради. Фақат белги вазифасини бажарадиган имо – ишораларгина паралингвистик белгилар ҳисобланади. Имо – ишоралар ҳам баъзан кўп маъноли бўлиши мумкин. Унинг қайси маънода ишлатилаётганлигини нутқ вазияти орқали билиб олишимиз мумкин. Масалан : “кўз қисдиш” ҳаракати қуйидаги маъноларни ифодалайди :

1. И. –Моро бўлсин, пошшо қиз ! Зухра келин қоп – қора кўзини қисдиб қўйди. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси” 159-бет).

2. У. “Ҳозир бир нарса кўрсатаман” дегандек кўзини қисдиб қўйди-да, туя сандиқ устида тахланган кўрпачаларни тушира бошлади. (О.Ҳошимов. “Икки эшик ораси” 149 - бет).

3. Болтабой “ҳазилни кўтаролмас экан”, деб ўйлади-да, Рўздатга кўз қисдиб, қошини чимирди. (А. Қаҳҳор. “Кўшминор чироқлари”. 104 – бет).

Кўз қисдиш биринчи мисолда “ҳазил”, иккинчисида эса “огоҳлантириш” маъноларида ишлатилади.

Ёки “бош чайқаш” ҳаракати қуйидаги маъноларни ифодалаган.

1. Ҳайрон қолиш, масалан:

Бўтабой тин олмай, гоҳ бош чайқаб, гоҳ қошини кериб, гоҳ “Ана ! Ух – ух – ух !” деб кулоқ солди. (А.Қаҳҳор “Қўшчинор чироқлари”, 67 - бет).

2. Қойил қолиш, масалан:

Абдулла деб қичқирмади, лекин бошини чайқаб, қойил қолганини исбот қилди. (Ф.Мусажонов. “Химмат” 142 - бет).

3. Афсусланиш, масалан:

– Кузги бугдой чириб кетмаса гўргайди, - деди бош чайқаб. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”. 190 - бет).

4. Тасдиқ маъносини билдиради, масалан:

Бироқ унинг бу сўзлари жавобсиз қолди. Фақат Ибодов “тўғри” дегандек бош силкиб қўйди. (Ф.Мусажонов. “Химмат”. 196 - бет).

5. Таъна қилиш маъносида, масалан:

– Мен сўроқламасам ўзингни эсингям келмайди – а !

– Холпош хола таъна билан бош чайқади. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 69 - бет).

6. Инкор етиш, масалан:

Аҳмаднинг тили калимага келмай, “йўқ” нинг ишорасида бош силкитди. (Ф.Мусажонов. “Химмат”. 106-бет).

Обиджон. Туз ичган жойингизга қайтиб борасизми ?

Хожар. (бош чайқайди.) Йўқ. (А.Қаҳҳор. “Тобутдан товуш”, 168 - бет).

7. Таклиф қилиш, масалан:

Мирзамухаммад Расулович “марҳамат” дегандек бош силкитди. (Ф.Мусажонов. “Химмат” 59-бет).

Биз ғафлатда қолибмиз, манзилларига етибдилар.

Қўли билан, ўтиринг ишорасини қилиб гапида давом этди – холвафуруш. (Ойбек, “Навоий” 19-бет).

Улуғбек яхши дегандек бош ирғитиб, дастурхонга марҳамат қилинлар, деб ўйди. (Темур Малик “Фалак” қисса).

8. Саломлашиш маъносида, масалан:

Аҳмад салом берди Толиб ака садақа бергандек билинеар билинмас, бош силкиб, алик олди. (Ф Мусажонов “Химмат”. 62 - бет).

Улуғбек қилиқ қилган Қамориддин билан Шамсибалга қараб бош ирғиди яна нависандага ўтирди. (Тоҳир Малик “Фалак қисса, ” Давлат асосидан пайдор бино).

Айрим паралингвистик воситалар маълум бир халқнинг муомала қоидалари билан боғлиқдир. Жумладан, таъзим қилиш, қўлимни кўксига қўйиш, қўл қовуштириш, ўзбек, тожик халқлари ўртасида тарқалган. Масалан:

Ўтиринг, раис, ўтиринг, - деди икки қўлини кўксига қўйиб. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 154 - бет).

Мадаминхўжа ўтирган еридан хиёл кўзғалди-ю, қўл қовуштирди: Хуш келибсизлар. (М.Исмоилий.).

Тилдаги лингвистик бирликларнинг даврлар ўтиши билан ўзгариш жараёни рўй бергани каби, паралингвистик белгиларда ҳам ана шундай ўзгариш содир бўлиши айримларнинг эскириб истеъмолдан чиқиши ва янги воситаларнинг кириб келиши мумкин. Масалан, ўзбек ва тожик халқлари ўртасида илгари қўлини кўксига қўйиш билан саломлашиш одати ҳозирги даврда кўпроқ кўпроқ бош силкитиш билан ифодаланмоқда. Лекин кўп жойларда ҳозир ҳам қўлини кўксига қўйиб салом бериш, баъзан эса ҳар иккаласи : қўлини кўксига қўйиб, бошини силкитиб салом бериш бор. Юқорида айтганлардан маълумки, бошқа бир тилни ўрганаётганда фақат унинг лексик састови ва граматик қурилишинигина эмас, балки паралингвистик воситаларини ҳам ўрганиб шу тил вакиллари билан гаплашганда уни ётлик белгисидан сақлайди.

ИНКОР МАЪНОСИНИ БИЛДИРУВЧИ ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР

Ўзбек тили таркибида куйидаги инкор маъно ифодаловчи кинетик воситалар учрайди:

1. Бошнинг горизантал ва вертикал ҳаракатлари жаҳоннинг жуда кўп халқларида тарқалган бўлиб, тасдиқ ва инкор маънони ифодаловчи бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ўзбекларда ҳам калланинг горизантал ҳаракати “йўқ”, вертикал ҳаракати эса “бор” маъносини билдиради. Бу белгиларнинг тасдиқ маъноси учун “беш ирғамоқ” инкор маъноси учун “бошини чайқақмоқ”, “бошини сарак–сарак қилди” ифодалари ишлатилади. Масалан:

– Мақола пахта касалликлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳақида. Аҳмад тушунарли дэгандек бош силкиб қўйди. (Ф.Мусаёнов. “Химмат”, 66-бет) Чолим орқага тисарилиб, бошини серак – серак қилди.

– Йўқ ! – деди хансираб. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 282 – бет).

Тасдиқ ва инкорнинг семантис кутб белгилари қарама – қарши кинетик шаклларни талаб қилади. Калланинг фикрига, хоҳишга қўшилганини ифодалаб, тасдиқ маъносини билдиради. Бунинг онтоними сифатида суҳбатдошини фикрига, хоҳишга кутилмаганини – инкорини ифодалаш учун каллани олдинга ҳаракатга қарама – қарши томонга орқага силкиш ҳам мумкин еди.

“Ўрта йер дэнгизни атрофидаги баъзи йерларда – Афина грекларда”. Жанубий Италиянинг айрим раёнларида, неопалитонлар ва калабритлар орасида тасдиқ ва инкор худди мана шундай⁷ йўл билан ифодаланади.¹

Аммо калланинг бундай кутб ҳаракатининг, маъно ҳаракатининг маъно дифференсиясига эмфатик (Ҳаёжонлилик, кўтаринки руҳда бўлиш) тасдиқ ҳамда эмфатик инкор учун ҳаркатнинг такрорланиши ҳолат беради. Яъни эмфатик нутқий такрор “ҳа, ҳа, ҳа!!” ва “йўқ, йўқ, йўқ” – ларнинг кинетик субъетитутти сифатида калла биринчи маънони ифодалаш учун “олдинга – орқага, олдига–орқага, ол- динга – орқага”, икинчи маънони

ифодалаш учун эса “орқага – олдинга, орқага – олдинга, орқага - олдинга” ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу эса ҳаракатлар дефференциациясини деярли йўқотади. Коммуникацияни қийинлаштиради. Шу туфайли ҳам туркий ва – европа халқларининг баъзи бирларида иккинчи маънони ифодалаш учун вертикал калла ҳаракатининг зидди сифатида горизантал калла ҳаракати қабул қилинган. Аксинча болгарларда вертисал калла ҳаракати инкорни, горизантал калла ҳаракати эса тасдиқни ифодалайди. Болгарлардаги тасдиқни билдирувчи горизантал калла ҳаракати ўзининг инкор зидди асосида ҳосил бўлган бўлиб, иккиламчи характерга эгадир.

Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда калласини горизантал ҳаракати қуйидагича инкор маъноларини ифода қилади: а) қисман инкорни билдиради. Бундай вақтда инкор билдирувчи имо – ишорадан сўнг сўзловчининг тасдиқ жавоби кутилади. Бу жавоб суҳбатдошнинг гапидаги логик урғу тушган бўлакнинг жавоби бўлади. Вербал воситаларнинг “йўқ”, ундай эмас, балки ... дир” моделининг инкор қисмининг компенсияси бўлиб келади. Масалан, суҳбатдошнинг фикри : Мана бу очил буванинг кичик ўғли. Тингловчи : Калланинг горизантал ҳаракати – ўртанчиси. Юқоридаги логик урғу “Очил бува” га тушадиган бўлса, у вақтда тингловчи калланинг горизантал ҳаракати билан боланинг Очил буваники еканлигини инкор қилади ва ўзи тасдиқ жавобини вербал восита билан баён қилади. Масалан: калланинг горизантал ҳаракати – Карим буванинг.

б) Тўлиқ инкорни билдиради. Бу вақтда инкор ифодаловчи имо – ишоралардан сўнг сўзловчининг ҳеч қандай фикр кутилмайди. Бундай имо – ишораларнинг ҳарактерли белгиси, асосан, - ми юкламаси орқали ифодаланган сўроқ гапларга жавоб бўлиб келган. Логик урғу кесимининг таркибида бўлади. Масалан: Ручканг борми ? Жавоб: Калланинг горизантал ҳаракати.

– Қиз “йўқ” дэгандек бош чайқади. (Ф.Мусажонов. “ХИММАТ”. 114 – бет).

Инкор маъносини кучайтириш учун баъзан бундай гапларда ҳам имо – ишоралардан сўнг яна инкор билдирувчи жавоб вербал ифодаланиши мумкин.

Масалан: – Мени кўявер, ўзим кетаман.

Қизиқ. Олимжон катталардек хотиржам бош чайқади.

– Обориб кўяман. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”, 215 – бет).

ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРДА СИСТЕМАЛИЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК ҲАМДА БАЙНАЛМИНАЛЛИК МАСАЛАЛАРИ

Барча халқларда бўлгани сингари, ўзбекларда ҳам паралингвистик восита сифатида бир қанча имо-ишоралар йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир гуруҳи инкор маъноси билан функционал боғлангандир. Бу хил имо-ишоралар йиғиндиси тизим ҳосил қиладими?

Е. М. Верешагин ва В. Г. Костомаровлар рус тилидаги имо-ишоралар ҳақида гапириб, имо-ишораларни алоҳида система дейиш мумкин дейди. Бироқ, система ҳосил қилувчи ҳодисалар ўзаро боғланган, бир-бирининг бўлишини тақозо этадиган яхлитликка эга бўлиши керак. Агар тилдаги системалиликни имо-ишораларга қиёс қилсак, имо-ишоралар система ҳосил қила олмаслиги яққол сезилиб қолади.

Тил системаси - бу унинг бирлик ва қисмларининг ташкил бўлишидир, ҳар бир тил бирлиги бутуннинг бир қисми сифатида системага киришиб, тил системасининг бошқа бирлик ва қисмлари билан бевосита ва

билвосита тил категорияси орқали боғлангандир. Тил системалилиги шунда кўринадики, унинг ҳар бир маъноли элементини бошқаси орқали изоҳлаш мумкин бўлади.

Бу элементлар маълум бир сатҳ ичида кетма-кет жойлашади. Ҳар қандай нутқ структурасида бир неча сатҳ ишлатилади. Сўз таркибида фонемалар ва морфемалар, гап таркибида эса барча сўзлар кетма-кет жойлашган бўлади. Бу элемент иккинчисини таққозо қилади.

Имо-ишора birlikлари эса айрим жузъий ҳолатларни ҳисобга олмаганда (масалан: калланинг горизонтал ҳаракати, вертикал ҳаракати билан шартланган, ўзаро боғланган), бири иккинчиси билан шартланган ва тадрижий боғланган эмас. Бир birlikни бутуннинг бир қисми сифатида қараб бўлмайди. Бу жиҳатдан ҳам у табиий тилдан фарқ қилади.

Герман Вамбери араб, форс, ўзбек тилларинигина эмас, балки бу халқларнинг маданияти, урф-одатларини ҳам пухта билувчи машҳур шарқшунос олим эди. Шунинг учун ҳам у салла ўраб, мулла қиёфасида Эрон ва Ўрта Осиё халқлари орасига кириб келди. Унинг муомаласидан, гапларидан хорижий гайриддин эканлиги бутунлай сезилмайди. Исломнинг, шарқ халқлари тарихи ва маданиятининг билимдони сифатида аҳоли ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонди. Аммо бир ўтиришда жуда ёқимли мусикадан таъсирланиб, беихтиёр куй маромига қараб оёғини силкита бошлайди. Бу ҳаракати эса давра аҳлига унинг хорижий

эканлигини ошкор қилиб қўяди. Чунки шарқ халқлари орасида куй, ашулладан роҳатланиш белгиси оёқ ҳаракати билан эмас, балки бошнинг горизонтал ҳолатда аста-секин тебраниши билан ифодаланар эди. Бунинг фарқига борган Афғон амирининг ўғли Ёқубхон Герман Вамберидан бу мамлакатни тарк этишни буюради.

Жаҳоннинг турли халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларага кенг йўл олган ҳозирги пайтда юқорида кўрсатилган факторларни жиддий ўрганиш эҳтиёжи яна ҳам ортмоқда. Айниқса, адабий алоқалар жараёнида бир тилдан иккинчи тилга маълум бадиий асарни таржима қилишда ҳам таржимон фақат шу халқ тилини билиш билан қифояланиб қолмай, балки уларнинг ўзларига хос бўлган муомала маданияти, имо-ишораларини ҳам билиш керак бўлади. Акс ҳолда таржима қилинаётган асарни муваффақиятли ўтиши мумкин эмас. Бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин.

Масалан:

Биринчи мисол. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида шундай тасвир бор. ;

“Мирзабоши кириб хонга қуллуқ қилди ва Мусулмонқулга қараб қўл боғлади”.

Бу гап немис тилига шундай таржима қилинган (мазмуни) Мирзабоши кирди ва ҳурмат билан олдин хонга, сўнг Мусулмонқулга таъзим қилди.

Асл нусхадаги қуллик қилмоқ, қўл боғламоқ ҳолатлари тушиб қолишлари натижасида Мирзабошининг ҳаракатлари “чала ўзбекча - немисча” маъно касб этган.

Ёки яна бир мисол келтирайлик.

Ойбекнинг “Навоий” ромонида ёш олимлар – Султонмурод билан Зайниддин шоирнинг Хиротга келишини эшитарканлар, бунга жавобан: “Истиқболларига чиқмоқ керак, - ўрнидан кўзғалди Султонмурод”.

Русча таржимаси: “Надо пайти его встречать, - проговорил Султанмурод, тут же вскачил с места”.

Эҳтимол, бу таржимада, дафъатан қараганда, кўзга ялт этиб ташланадиган қусур йўқдир, аммо унда образнинг характери, ички дунёсини қўпол равишда сийқалаштирадиган нуқсонга йўл қўйилганки, тадқиқотчи Гулнора Ғофурова ўз китобида буни ўринли қайд этган.

Бадиий тасвир воситаси сифатида ташриф буюрмоқ билан қилмоқ, истиқболига чиқмоқ билан кутмоқ ва ҳоказо гарчи моҳият эътибори билан айни бир ҳаракатни ифодаласа-да, аммо улар англатган маъно нозиклиги тарафидан бир- биридан фарқланади. Шундай экан, ҳазарт Навоийни қаршилаш маросими ҳақида, русча таржимада кўрилганидай, “Уни кутиб олишга чиқиш керак, - деди Султонмурод, апил – тапил ўрнидан туриб” дейилса, бу бир томондан, ҳурматсизлик, иккинчи томондан эса, Ойбек тавири ҳам талқинига зид, учинчидан, тарихий колоритни бузиш бўлади.

Чунки, гарчи Султонмурод ёш бўлсада вазмин, салобатли, мулойим ва одобли йигит. Унинг томонидан, юқоридаги русча таржимада кайд этилганидай сохта хатти – ҳаракатлар содир бўлиш ақл бовар қилмайдиган нарса.

Хат ёзиб тур, - деди дадам. Бош ирғаб кўчага чикдим. (Ў. Умарбеков).

Юқоридаги матнда “бош ирғаб” конструкцияси ўзбек халқлари орасида тарқалган розилик, тасдиқ маъносини ифодаловчи имо – ишорани акс эттиради. Агар юқоридаги матн болгар тилига бу халқлар ўртасидаги имо – ишора тафовути ҳисобига олинмасдан сўзма – сўз таржима қилинса, таржимада бутунлай тескари маънони – хат ёзиб туромаслик маъносини ифодалайди. Чунки болгарларда юқоридаги имо – ишора инкор маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам таржима бу сўз болгарларда ҳам худди шундай маънони билдирувчи имо – ишора ифодалайдиган ишора феълига алмаштиришга тўғри келади.

Шундай имо – ишоралар борки, улар баналминал характерга эгадир.”Бу категория уни версал характерга эга бўлиб, уларни ҳамма тилларда ҳам қўллаш мумкин”, дейди О. Есперсен.

Масалан, “Мавжуд эмаслик” тушунчасини жаҳоннинг турли тилларида вербал восита билан турлича ифодаланса (жумладан, ўзбек тилида йўқ, рус тилида нет, форс тилида нест, француз тилида нон, инглиз тилида но, немис тилида найн) ана шу тилларнинг ҳаммасида бу маъно паралингвистик йўл билан бир кинетик белги орқали ифодаланади: калланинг горизантал ҳаракати ҳамма тилларда ўша тушунчани беради.

Аmmo бу фикр ҳамма кинетик белгилар учун ҳам тегишли эмас. Шундай имо – ишоралар борки, улар шартли ҳаракатга эга бўлиб, миллий хусусият касб етиши мумкин. Чунки у коллектив томонидан маълум бир маънони ифодалаш учун қабул қилинган имо – ишора

символидир. Бошқа бир коллективда эса бу имо – ишора ё ҳеч қандай коммуникатив функция бажармайди, ёки бошқа маънони ифодалаши мумкин.

Масалан, ”хайр” маъносини ифодалаш учун руслар кафтини ўзидан орқага қилиб вертикал ҳолатда такрор – такрор силкица, италян кафтини ўзига қарата вертикал ҳолатида силкитади. Ёки инглиз машина тўхтатиш учун бош бармоғини тикка қилиб, қўлини мушт қилиб, рус ва ўзбекларда бу кинетик белги яхши дэган маънони беради. Масалан:

– Твой народ – ве! – қачон ўзбеклардан гап очилса, у бармоғини диккайтириб кўрсатади. (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси”, 84 – бет).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин:

Айтайлик, агар бирон киши русча гапирса – ю , италянча имо – ишоралар қилса, унинг гапи мазмунан тўла тушунарли бўлгани ҳолда, сўзловчи киши – хорижий одам эканлиги ошкор бўлиб келади. Руслар ва ўзбеклар бармоғи билан ”бир, икки, уч...” деб санаганларида чап қўлларининг бармоқларини бирма – бир муштларига бука бошлайдилар – бу вақтда ўнг қўл ишга солинади. Бир қанча Йевропа мамлакатларида эса худди шундай ҳолатда мушт қилиб букилган бармноқларини бирма – бир ёза бошлайдилар, аммо иккинчи қўл ишга солинмайди. Шуниси қизиқки, руслар ва ўзбеклар чимчалоқдан бошлаб санасалар, йевропаликлар санокни бош бармоқдан бошлайдилар. Руслар ўз нутқини маънодор қилиш учун фақат битта қўл билан (чап ёки ўнг) ишора қилсалар, чет элликлар, айниқса европаликлар икки қўлларини баравар ҳаракатга келтирадилар.

Шунинг учун ҳам ҳар қайси халқнинг имо – ишоралари бирликлари йиғиндисини алоҳида – алоҳида ўрганиш халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига катта ёрдам беради ва паралингвистик имкониятларга янада кенг қизиқиш уйғотади.

ФИКР ИФОДАЛАШДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ЧЕГАРАСИ

Нутқ бирликлари вазифасини бажара оладиган субетитутив характердаги имо – ишоралар миқдори турли халқларда турличадир. Баъзи жамиятларда (қабила ва элатларда) имо – ишоралар миқдори кўпроқ бўлса (Америка индейислари бенедиктен орденди, тиллари ва бошқаларда), бунинг аксича, шундай жамиятлар борки, уларда жуда оз миқдордаги шартланган имо – ишора белгилари бор.

Бу жиҳатдан ўзбекларда ҳам субетитутив вазифа бажара оладиган имо-ишоралар миқдори кўп эмас. Бу билан бирга ҳар қандай информацияни ифодалай олмайди. Унинг вазифаси доираси ҳам ниҳоятда чегаралангандир. Кундалик оғзаки аралашув стили билан боғлиқдир. Мимика ва имо – ишоралар бирдан – бир фикр ифодалаш воситаси сифатида доимо нутққа нисбатан примитивдир. Қанчадан – қанча нозик дил ҳаракатларини, нозик ҳис – туйғулар билан боғлиқ фикрларни ифодалаш қудратига эга эмас. Кар – соқовларнинг тилини кузатиш бу масала юзасидан қизиқ малумотлар беради. Фикрни товуш тили ёрдамида ифодалашдан маҳрум бўлган кишилар Кар – соқовлар бу мақсад учун фақат имо – ишоралардан, биринчи навбатда қўл ва унинг бармоқларининг ҳаракатидан фойдаланадилар. Имо – ишора тушунарли бўлиши учун ифодалаши лозим бўлган предметнинг ташқи формасини имкон борича ҳаракат билан кўрсатиш керак бўлади.

Бунинг учун эса имо – ишора эса жуда чеклангандир. Шунга кўра маълум бир предметни кўрсатиш орқали фикр предметини тасвирлайди: Масалан, олмани ифодалаш учун кар – соқовлар ўзининг муштини тишлагандай ҳаракат қилади ва шу билан бирга олмани дарахтдан қоқиш тасаввурини ҳам кузатади.

Имо – ишора тили фикр ифодалаш ва фикрнинг ривожланиши учун шунчалик камбағалки, кар – соқовлар фақат ё махсус алфавит ёрдамида товуш тилини ўргангандагина ёки нормал гапирувчи одамнинг лаб ҳаракатига қараб гапиришни ва тушунишни ўрганган тақдирдагина ўзининг тараққиётида нормал одамдан бирмунча орқада қолади.

“Шунинг учун ҳам Т.М. НИКОЛАЙЕВанинг Америка индейслари тилида ва бенедиктенорденди тилида имо – ишоралар ҳар қандай ёки деярли ҳар қандай информацияни ифодалай олади”, деган фикри сал муболағага ўхшайди, - дейди А. НУРМОНОВ.

Методик жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, паралингвистик воситаларни ўрганиш, билиш ҳар бир бўлажак ўқитувчи учун муҳимдир. Чунки юқорида айтганимиздек паралингвистик воситаларни инсон ўз нутқида фикрини таъсирли ўтказиш учун беихтиёр қўллайди. Ундан ташқари мактабда ўқитувчилар барча фанлардан дарс бериш жараёнида беихтиёр ва ихтиёрий равишда ушбу воситалардан фойдаланадилар. Бу эса ўша мавзунинг ўқувчига аниқ, тўла мазмуни билан таассуротли йетиб боришини таъминлайди.

Ҳақиқатдаг ҳам, кишиларнинг фикр-туйғуларини ифодалашга хизмат қилувчи имо-ишора (мимика) ва турли гавда ҳаракатлари каби ёрдамчи воситалар ўзбек тилшунослигида жуда кўп.

Гавда ҳаракатлари ва мимикалар сўзлашув нутқида, айниқса, диалогик нутқ жараёнида қўлланилади. Уни ёзма нутқда реал равишда акс эттириб бўлмайди. Шунга кўра унинг нусхаси (талаб қилинган пайтда) тил воситалари орқали ёзма нутққа кўчирилади. Масалан, диалогик нутқ жараёнида суҳбатдошнинг “бош чайқаш” (горизонтал) инкор маъносини билдиради. Ёзма нутқда эса суҳбатдошнинг “бошини чайқатиб” бўлмайди. Бинобарин, мана шу ҳаракатнинг нусхаси сўзлар воситасида (“бош чайқади” деб) акс эттирилади. Демак, гавда ҳаракатлари ва мимика аслида

нолингвистик ҳодиса бўлиб, нутқдан ташқарида ҳам, нутқ жараёнида ҳам унга ёрдамчи восита сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Лекин у ҳамма вақт объектив борлиқнинг ёки суҳбатдошнинг сўзловчи онгига таъсири натижасида содир бўлади. Бинобарин, у тил билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ҳолда ифода этилади.

Гавда ҳаракатлари ва мимика ёрдамчи алоқа воситаси сифатида асосан оғзаки нутқ жараёнида воқе бўлади. Нутқнинг барча кўринишларида алоҳида тил воситалари орқали экспрессивлик, эмоционаллик ифодаланганлиги каби гавда ҳаракатлари ва мимика ёрдамида ҳам шу хил маънолар ифодаланиши мумкин. Масалан, тасдиқ ва инкорни ифодаловчи бош ҳаракати (вертикал ёки горизонтал) диалогик нутқда (товуш нутқидан холи ҳолда) асосан интеллектуал муносабатлар билдиради. Чунончи, инкор билдирувчи гавда ҳаракатлари товуш нутқи билан бирга бажарилса, экспрессив муносабат билдириши мумкин (унда бош чайқалади ва алоҳида интонация билан “йўқ”, дейилади). Шу гавда ҳаракатлари товушсиз бажарилиб, ситуацияга кўра турли хил, ҳатто ундов сўзлар билдирадиган маъноларни ифодалаши мумкин. Мисоллар: - Бизнинг эшон мана шунақа...Лекин иккита айби бор: худо бўйдан, жуссадан берган эмас, хотини билан подручка қилиб кетаётганда орқасидан киши эшонни Кифоятхонга осиб қўйибди, деди. Эшон “жуда ўткир гап бўлади” деган маънода “бош чайқаб” қотиб-қотиб кулди (А.Қаҳҳор). ...Эсимга солма деган маънода “бош чайқаб”, қани, дуторни ол! – деди (А.Қаҳҳор). Латофат ҳа, деган маънода бош ирғади (Тоҳир Малик). Бу – жиддий иш деган каби маъноли бош чайқади (Тоҳир Малик). – Чўкиб ўлган?! – Шундай йигит-а! Директор бошини сарак-сарак қилиб, ўрнидан туриб кетди (Тоҳир Малик). Бутаев, маъқул, дегандек бош ирғади-да ўрнидан турди (Тоҳир Малик). Бу мисолларда “бош чайқамок” (ирғамок)нинг турли хил маънолари акс этган. “Бу ишларга сен айбдорсан”, деган гапда

сўзловчи кўрсатгич бармоғини тингловига қарата ниқтаса (ўқталса) таъкид, таъсирчанлик ортади: Анорага навбат келганда унга кўлини бигиз қилибб – барибир, ўқийсан! – деди (Ў.Усмонов).

Луғавий бирликларда бўлганидек, мимка айниқса гавда ҳаракатида ҳам омосемик, синсемик, антосемик, моносемик, полисемик хусусиятларнинг борлиги кузатилади. Лекин бу ўринда уларнинг нутқда экспрессивлик ифодаланиши уун ёрдамчи восита сифатидаги хизматларини кўрсатиш билан кифояланади.

Гавда ҳаракати ва мимкада сўзловчининг воқеликка, суҳбатдошга бўлган турлича психо-физиологик муносабатлари акс этади. Мисоллар: У голибона бир ғурур билан энлик камарини ушлаб, бир елкасини кўтарди ва тишларининг орасидан бир томонга чирт этиб тупурди (А.Қахҳор). Бу ўринда персонажнинг ғурурли психик ҳолати унинг хатти-ҳаракатлари ёрдамида берилган. Яна мисоллар: Саиданиг бу гапи ҳазил тариқасида айтилмагани Қаландаровга малол келди. **У ўрта бармоғи билан пешонасини тез-тез ишқаб, худди тиши билан данак чакқандай бош силкиб:** Зулфиқоров яхши бригадир, - деди (А.Қахҳор). Рўпарамизда биттаси бор, - мана бундай! – Ҳақимжон **бош бармоғини хавога нуқтади** (Ў. Усмонов). Эшон Қаландаров узатган коньякни “фақат берганингиз меники, давлатингиз ўзингизга буюрсин”, деган маънода **чинчалоғи билан унинг билагига секин уриб**, яъни стаканни “кесиб” олди-да, битта кўтарди (А.Қахҳор). Вой шуни айтингизми-я? Уят! – Маҳбуба **бошини чангаллади, бармоғини тишлади** (Ў. Усмонов). Сиз уни яхши билмайсиз. У бошқа одам!!! Маҳбуба Икромовга шарт **юзини бурди** (Ў. Усмонов).

Муштумини қисди, титради чол,
оловланди хира кўзлари...

Бари бир пахтани терамиз! (Уйғун).

Мимика, айниқса, гавда ҳаракати ўз маъноси билан турғунлашиб қолиши натижасида фразеологизмнинг туғилишга асос бўлади: кўзлари косасидан чиқиб кетмоқ, бармоғини тишлаб қолмақ каби.

Гавда ҳаракати ва мимика сўзлашув нутқи жараёнида реал равишда бажарилса, ёзма нутқда у асосан кўчирма гапли конструкцияларнинг автор гапи қисмда ва сахна асарларининг ремарка қисмида изоҳланади. Мисоллар: - Жуда соз! – Сергей Николаевич кафтларини бир-бирига ишқаб шод гапирди (Ҳ. Ғулом) . Тўғри қилдим! – Номозов қаддини сал кўтариб креслода ўнгланиб ўтириб олди. – Ҳаққим бор! Ахир мен ректорман! Нозимжоннинг митти кўзлари ола-кула бўлиб, важоҳати ўзгараётганини кўрган Жукова: - Бевотта қилганим учун кечирасиз, - деди –да, кабинетдан чиқиб кетди... Бари бир охиригача кутиш керак эди!- Афзаловнинг зардаси кўзиб, ўтирган ерида бир силкиниб олди... – Хўш, кейин нима бўлади?... – Афзалов асабий бир ҳолатда бармоқларини чалиштириб қарсиллатди. – Ахир нима жавоб қилди, “борамиз”, дедим?... – Латтасиз! – Афзалов тоқатсизланиб ўрнидан туриб кетди... – Ҳа-ҳа! Афзалов ёқасини ушлаб, катта думалоқ бошини сарак-сарак қилди... – Хўш, сиз шу билан нима демоқчисиз? – Афзалов Абдуллаевга ўқрайиб тикилди... (Ҳ. Ғулом). Тошкентда имтиҳондан йиқилдик, - йигит ўнг кўлининг катта кифтини чап кўкрагига уриб, бошини эгди. – Илтимос! (Ҳ. Ғулом). Афзалов столга ўтирди-ю, нечундир кенг елкаларини беўхшов қимирлатиб қўйди (Ҳ. Ғулом) .

Гавда ҳаракати ва мимика элементлари кўп вақт бирга қўлланганда ва мазмунига уйғун ҳолда унинг таъсир кучи оширади. Улар амалиётга жуда кўп ва хилма-хилдир. Яна мисоллар: Яхё оғзини очганча бақириб қолди (“Ёшлик”). Қип-қизил аҳмоқсан. Одамга калла керак, калла! Шундай деб кўрсатгич бармоғи билан бошига нқиб қўйди (“Ёшлик”). Нозима шундай деб елкасини қисди (“Ёшлик”): - Э-э, - Комил кўл силтади,-

мешчанликнинг ўзгинаси-ку, бу! (“Ёшлик”): Яна бошляпсизми, деб шарт орқасига ўгрилди (“Ёшлик”). Одилов кўлида ўйнаб турган қаламни жаҳл билан стол устига ташлади (“Ёшлик”). Омонтурдиевнинг кўзларидан олов сачраб кетди (“Ёшлик”). У Тўхтамиш Омонтурдиевга тагдор қараш қилди (“Ёшлик”). Афзалов кенг елкаларини беўхшов қимирлатиб қўйди (Х. Гулом) . Узоқов машинасига ўтириб эшикни зарда билан ёпди (Х. Гулом) .

Гапда ҳаракати ва мимиканинг социал характери, миллий хусусияти, ўзига хос “семантика”сини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳодисанинг атрофлича ўрганишга молик эканлиги ойдин бўлади. Бу ўринда мазкур маала (ҳодиса) китобхон диққатига ҳавола тарзидагина берилади.

Маълумки, гапнинг ифода мақсади ифода формасини белгилайди ва аксинча, ифода формаси унинг мазмунини тасвирлайди. Гапнинг форма ва мазмун муносабати унинг функциясини белгилайди. Мазмун ва формалар мослиги, одатдагича қўлланиши коммуникатив функцияда, “ғайри одатий” қўлланишлари эса стилистик функцияда намоён бўлади. Масалан: тасдиқ форманинг тасдиқ мазмунини ифодалаши одатдаги, айти пайтда нейтрал муносабатни билдирса, унинг инкор мазмунида қўлланиши (“ғайри одатий”) экспрессив муносабат ҳосил қилади.

Гапда инкор формалар қўша қўлланганда икки хил ҳоат кузатилади: 1. Тартиб бўйича биринчи инкор иккинчи инкорни инкор этса (инкорни инкор), кучли тасдиқ келиб чиқади. 2. Иккинчи инкор биринчисига алоқадор бўлмаса, инкор мазмуни сақланади. Кесимдаги инкор гап учун умумий бўлиб, бошқа бўлакдаги инкор кўпинча хусусий характерда бўлади.

Х У Л О С А

1. Паралингвистик воситалар экспрессивликни таъминлашга ёрдам беради.
2. Паралингвистик воситалар нутқ жараёнида вақтни тежайди.
3. Паралингвистик воситаларни ўрганиш зарур. Бу маданий алоқаларни яхши йўлга қўйишга, халқларнинг ўзаро бир – бирларини яхши тушунишга, таржима ишларини сифатини кўтаришга, кишиларнинг дунё халқлари урф – одатлари, ҳаётий тажрибаларни атрофлича билишга, инсон маданий савиясининг кўтарилиши, халқлар ҳақидаги тасавурларининг кенгайиши, тилшуносликнинг бошқа фанлар орасидаги ўрнини, қимматини оширишга ёрдам беради.
4. Шунинг учун ўзбек тили паралингвистик воситаларнинг кенг қўламда атрофлича ўрганиш зарур бўлади.

Паралингвистик воситалар маъно ифодалашни, уларнинг хизмати еҳтимол бир пайтлар товуш тили хизматига нисбатан устун бўлган бўлиши мумкин.

Паралингвистик воситалар фикр ифодалашда энг содда, энг тежамли воситалар ҳисобланади. Паралингвистик воситалар ҳам маълум бир хабар ташишда лингвистик воситаларга ёрдам беради, баъзи ўринларда ҳатто лингвистик воситалар вазифасини ҳам бажаради. Демак, муайян бир тилни ўрганаётганда фақат шу тил структурасини (лексика, фонетика, грамматикани) ўрганишнинг ўзи етарли эмас.

Ҳаёт амалиёт тил билан бирга шу тил эгаси бўлган халқнинг муомала қоидалари, имо – ишораларини ҳам ўрганишни тақазо етмоқда.

Ҳар бир халқнинг ўз муомала қоидалари мавжуд. Ўзбек халқи қўлини кўксига қўйиб, бош ирғитиш ҳаракати ”салом” маъносини билдиради.

Масалан:

Ғуломжон ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди. (М. Исмоилий. ”Фарғона тонг отгунча”).

Жаҳоннинг бошқа халқларида эса бу маъно умуман бошқача ҳаракатлар орқали ифодаланади. Шунинг учун ўз олдига бошқа тилни ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай киши паралингвистик воситалар билан муфассал танишиш зарурдир. Паралингвистик воситалари тилда экспрессивлик таъминлашда ҳам катта рол ўйнайди. Масалан: Асал ҳеч нима демади, жикқа ёшга тўлган кўзларини жимгина четга буриб, ”йўқ” дегандек бош чайқади. (Ч. Айтматов. ”Сарвиқомат дилбарим”, 150 – бет).

Бир қўллаб чапак чалолмагани учунми, нукул чап қўлини ”баракалла” дегандек ҳавода силкитар эди. (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси”, 204 - бет).

Юқорида таъкидлагандек, паралингвистик ҳодисалар доирасига нутқ жараёнида коммуникацияда иштирок этадиган барча суперсегмент воситалар ва имо – ишора ҳамда мимикалар киради. Ҳеч қанақа қўл, лаб ҳаракатлари қатнашмасдан фақат ”жилмайиш”, ”суҳбатдошига бир назар ташлаш”, ”кўзлар учрашиши” каби воситалар ҳам фикр ифодаляйди. Масалан:

Рўзматдан кейин Тиллабува сўз олди. Ҳамма ”балога қолдинг” деган маънода кулиб Рўзиматга қаради. (А. Қаҳҳор. ”Қўшчинор чироқлар” 106 – бет).

Толиб ака ”шу ғўр боланинг хом – хатала гапигаям жавоб қайтараманми” дегандек, илжайди. (Ф. Мусажонов. ”Химмат”, 52 – бет).

Ойим ”сиз гапиринг” дегандек дадамга қаради. (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси”, 13 –бет).

Сидиқжон қип – қизариб кетди ва Зуннунхўжага ”гапирсангизчи !” деган мазмунда назар ташлади. (А. Қаҳҳор. ”Қўшчинор чироқлари”, 10 - бет).

Дадамат ака: ”Мен сизга нима дегандим, бу мана шунақа қайсар” дегандек Аҳмадга қараб қўйди. (Ф. Мусажонов. ”Химмат”, 5 – бет).

– Зақунчи ”жавоб бер!” дегандек кўзимга қаттиқ тикилди. (Ў. Ҳошимов. ”Икки эшик ораси”, 286 - бет).

Бу гапдаги ”қулмоқ”, ”илжаймоқ”, ”жилмаймоқ”, ”қарамоқ”, ”назар ташламоқ”, ”тикилмоқ” каби сўз ва иборалар нутқни кузатиб борадиган новербал ҳолатларни ифодалайди. Демак, бундай ҳолат ва ҳаракатлар ҳам, бизнингча, паралингвистик воситалар доирасига киритилиши зарур.

Хуллас, паралингвистик воситаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Паралингвистик воситалар, жумладан ўзбек тили паралингвистик воситалари ҳақида фикр юритганда, уларни система сифатида ўрганганда ўзига хос вазифаларни, интерноционал белгилар бошқа халқлар тиллари паралингвистик воситалари билан боғлаб, қиёслаб, кўрилганда яна яққолроқ кўзга ташланади. Бу ҳақда Ғ. Саломовнинг ”Таржима назарясига кириш”, А. Нурмоновнинг ”Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида” каби ишларида, айрим ўринларда қимматли фикрлар баён этилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 682 бет.
2. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохатлар йўлидир. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 153 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аерга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 350 бет.
4. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишининг синтактик усули. Тошкент, 1987 йил. 83-86 – бетлар.
5. Темур тузуклари. (Ахмедов Б. тахрири остида). Тошкент. 1996. 344 бет
6. Усмонов М. Маданият ва ахлоқ. Тошкент, 1986, 153 бет.
7. Усмонов М. Ёшларнинг ахлоқ маданияти. Тошкент, 1988, 123 бет.
8. Усмонов Р. Саодатнома. Тошкент, 1985.
9. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент. Фан. 1985. 199 бет
10. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент, 1979
11. Турсунов У. , Мухторов Ж., Раҳматуллаева 111. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975, 367 бет.
12. Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъати лексикаси. Тошкент, 1978.
13. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составидаги тожикча-форсча ва арабча сўзлар. Тошкент. 196
14. Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1953.
15. Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. Тошкент, 1982.
16. Олим Усмон., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, 1965, 675 бет.
17. Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1960, 167 бет.

18. Ўзбек халқ мақоллари. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 92-бет. " Ўша асар . 304 бет.
19. Ҳикматлар хазинаси. Т., Ёш гвардия. 1977. 106 бет.
20. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, 1979.
21. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари хақида. Тил ва адабиёт институти асарлари. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. 1 китоб. Т., Ған. 1949. 39-бет.